

Эски ҳукумат замонинда Русиядаги ўрта ва олий мактаблардан фойдаланатургон халкнинг кўбиси, балки ҳаммаси ёлгуз бой синфи эди. Ул чоғда факир халкнинг боласи «дорилфунун» деган илм юртини тушинда ҳам кўролмай ёлғиз ибтидоий мактабнигина битуриб чикса, ўзини бахтиёр санар эди. Бохусус, биз Туркистон мусулмонлари бир ёқдан ҳукуматнинг тазйиқи, иккинчи ёқдан ўзимизнинг илм кадрили билмаганлигимиз сабабли андай мадрасалардан истифода килолмаганимиз каби ўз мактабларимиздан ҳам лозиминча бахра ололмай юра эдик.

Иккинчи инкилоб натижасинда Русиянинг факир халки бурунги бахтсизликлардан, бурунги фалокатлардан кутулиб, роҳат юзи билан илм нурини кўра бошлади. Ибтидоийдан то ўрта ва олий даражадаги илм юртларининг эшиклари факир халк юзига қарши очилди. Илгари факирлиги сабабли ўз боласини ёлғиз ибтидоий мактабда давом килдирарга муваффақ бўлолмагон халк бу кунда «дорилфунун» каби илм ва хунар хазинасидан бир пул масориф тутмаинча истифода этарга ҳақли бўлди.

Ўктабр инкилобиндан кейин Тошкандда Туркистон халки учун «Халк дорилфунуни» очилиб, анинг масорифига ўттиз миллион сўм тахсис этилди. Бу «дорилфунун» Туркистоннинг умумий факир халки учун таъсис килингон бўлса ҳам, лекин биз мусулмонларнинг илм-маърифат тўғрисида гоят тубан даражада эканлигимиз ва шунинг учун ундан лозиминча истифода этолмай қолажагимизни кўзда тутиб, Тошканднинг бир неча гайратли ёшлари Тошкандда мусулмонларга махсус халк дорилфунунининг мусулмон шўъбасини очарга ҳаракат килдилар ва бу ишларга муваффақ ҳам бўлдилар. Ҳозирда унда «дорилфунун» шўъбасининг ибтидоий қисминдан ўндан зиёд мактаб, ўрта қисминдан ҳам икки санойиъ мактаби очилиб ўқувлар давом этмақдадир. Олгон маълумотимизга кўра, мазкур ибтидоий мактабларнинг бештаси хотин-кизларга, бошқалари эркак болалар билан катта кишиларга махсус бўлиб, ҳозирда аларнинг мажмуасинда 75 нафарча муаллим ва муаллима билан 700 дан ошиқ талаба ва толиботи бор экан.

Ийди фитр муносабати билан Тошканддан Мухтор Бакир афанди Самаркандга келиб, ёшлар мажлисинда Тошкандда очилган «Мусулмон халк дорилфунун»и шўъбаси тўғрисида муфассал маълумот берди ва мунда ҳам «дорилфунун» шўъбаси очарга ҳозирини таклиф этди. Мажлис анинг таклифини бир огиздан қабул этиб, ўз орасиндан ташкилот комиссияси сайлади. Ҳозирда бу комиссия дорилфунун шўъбаси очмок хусусинда тиришмақдадир. Иншооллох, тезда мунда ҳам дорилфунун шўъбасининг ибтидоий қисми номи ила эркак болалар ва катталар ҳам хотун-кизларга махсус бир неча мактаб билан бир санойиъ мактаби ва қиска муддатлик муаллималар курси очса керак.

Бу мактабларда 15 ёшдан кичик бўлмаган харкимса қабул қилиниб, ўқувлар мажжоний-текин бўладир. Ўқув вақтлари ҳам пешиндан кейин хар куни уч соатгина бўладир. Бу мактабларнинг ибтидоий қисминда талабаларга она тилиндан осон ва равшан ўқув, ёзув, ҳисоб, жугрофия, тарих, ахлоқ ва ҳам дехқончилик, богчачилиг каби халқ учун фойдали илмлар ўргатиладур. Хотин-қизларга махсус очилатургон мактабларда эса муслима муаллималар қўйилиб, аларга ўқув-ёзувдан бошқа турли қўл ҳунарлари ҳам ўргатиладур. Булардан бошқа панжшанба кунларида талаба ва толиботларга лексия тариқи билан маданий ва сиёсий маълумот берилур. Санойиъ мактабида ҳам меъморлик, нажжорлик, муковасозлик каби турли санъат ва ҳунарлар ўргатилурки, бу бизнинг камбағал халқ учун гоят фойдали бўлса керак.

Маълумдирки, бизнинг муслмон биродарларимиз аксарият ила камбағал бўлуб, ёлғиз кун ўтқармак ёки бир ҳунарни ўрганмак учун бир уста (ҳунарли) кишининг уйида беш-ўн йил хидмат қилиб зўрга ҳунарни ўрганиб чиқадирлар. Мана мундан сўнг шундай ҳунарга толиб биродарларимизнинг андай усталарга мухтож бўлмай, тўп-тўғри шул санойиъ мактабига кириб, озгина вақтда хат ва савод билан истаган ҳунарларини ўрганиб чиқиб тирикчилик этмаклари мумкиндир.

Хулоса: бу «Халқ дорилфунуни» бизнинг фақир муслмон биродарларимиз учун бир илм ва ҳунар ҳазинасидирки, унинг очилиши ила баробар халқимизнинг қомили ихлос ва рағбат ила ундан истифода этмаклари матлубдир.

*«Меҳнатқашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 23 июль*